

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЗИМБЕТОВА ЗИЙУАР МАХСЕТБАЕВНА

Ж.ИЗБАСҚАНОВ АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Казимбетова Зийуар Махсетбаевна

Ж.Избасқанов асарларининг лингвопоэтик таҳлили..... 3

Казимбетова Зийуар Махсетбаевна

Лингвопоэтический анализ произведений Ж.Избасканова..... 25

Kazimbetova Ziyuar Makhsetbaevna

Linguopoetic analysis of J.Izbaskanov's works..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЗИМБЕТОВА ЗИЙУАР МАХСЕТБАЕВНА

Ж.ИЗБАСҚАНОВ АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1586** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пирниязова Алима Кудияровна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Диланов Бекмурза Гүлимбетович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» октябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «25» октябрь даги 10 рақамли реестр баённомаси).



К.К. Оразымбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD), доцент

М.С. Қудайбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бадий асарлар тилини антропоцентрик йўналишда ўрганишда муаллифнинг объектив дунёга муносабати, уни идрок этиши ва тушунишини унинг қаламидан чиққан асарлар орқали аниқлаш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, ижодкорнинг индивидуал услуби – ёзувчи ёки шоирнинг ўзи яшаб, ижод қилган даврига хос сўз ёрдамида фикрни бадий ифодалашда индивидуал эстетик сўз ишлатиш тизими ҳисобланади. Адабий ва бадий асарларни, уларнинг стилистик ўзига хослиги ва бадий мазмуннинг ўзаро таъсири нуқтаи-назаридан ўрганиш филология фанининг энг асосий вазифаларидан биридир.

Жаҳон тилшунослигида тилдан фойдаланувчи субъектнинг нутқий фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, нутқий ҳаракат ахборотни қабул қилиш, қўллаш ва талқин қилиш жараёнида вербал белгилар ёрдамида ўз психологик реаллигини намоён қилади. Шунингдек, матнга ғоявий-бадий маъно беришда шоирнинг халқимизнинг миллий адабий тилига тегишли сўз бойлигидан фойдаланиш маҳорати, тил бирликларининг семантик ва метасемантик имкониятларидан фойдаланиш, лингвопоэтик талқин қилиш, муаллиф томонидан услубий жиҳатдан ўзига хос тил бирликларини эстетик таъсир юзага келтириш учун қўллаш усуллари кўрсатилган.

Мустақиллик йилларида миллатлараро бағрикенглик сиёсати натижасида тилимиз ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу ҳақида Президентимиз: «Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли ҳозирги даврда бир оила бўлиб яшаётган миллат ва халқлар вакилларининг ўз она тили, урф-одатлари ва кадриятларини ривожлантиришлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли халқ ўзга халқ тилига ҳам катта ҳурмат билан муносабатда бўлади»¹ – деб таъкидлайди. Мавзунинг филология фанининг асосий муаммоларидан бири бўлган, эстетик аҳамиятга эга бадий матннинг лисоний таркибини тадқиқ қилиш масаласига бағишланганлиги унинг долзарблигини асослайди. Асарнинг маънавий ва лингвистик жиҳатларининг ўзаро таъсир масаласи махсус тадқиқ қилинмаган. Мазкур тадқиқот ишида Ж.Избасқанов асарларининг лингвопоэтик хусусияти, унинг индивидуал муаллифлик услуби эволюцияси йўналишида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармонларида, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти,

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021. – Б. 35.

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2789-сон қарорида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2020 йил 3 ноябрдаги «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини янада ошириш чоралари тўғрисидаги» 135-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Президиумининг 2021 йил 16 июлдаги «Қорақалпоқ тилини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабий асар тилини функционал, услубий, семантик-структуравий йўналишда ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш масалалари Р.О.Якобсон, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Г.О.Винокур, Б.В.Томашевский, Л.В.Щерба, В.В.Задорнова, А.А.Липгарт, Г.И.Климовская ҳамда яна бошқа хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган, ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослигида эса Б.Саримсоқов, Н.Маҳмудов, И.К.Мирзаев, М.Йўлдошев, Ш.Абдиназимов, Г.Қарлыбаева, Б.Юсупова, Г.Алламбергенова ҳамда бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида мурожаат этилган. Шундай бўлса да, қорақалпоқ тилшунослигида назмий асарлар лингвопоэтикаси ҳозиргача махсус тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли, поэтик асарларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳозирги қорақалпоқ тилининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ж.Избасқанов асарларининг лингвопоэтик ўзига хослигини, унинг асарларининг фонетик-стилистик ва синтактик поэтикасини, матнлардаги лексик тил бирликларининг поэтик семантикасини, уларнинг нутқий воқеаланишдаги бадиий-эстетик вазифаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвопоэтика бўйича тадқиқотларни шарҳлаш;

поэтик матнларни лингвопоэтик ўрганишнинг назарий асоси ва тамойилларини аниқлаш;

шоир асарлари тилининг поэтик фонетикасини ўрганиш;

шоир асарлари тилининг поэтик синтаксисини аниқлаш;

шоир асарлари тилининг поэтик пунктуациясини тадқиқ қилиш;

шоир асарлари тилининг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш;
шоир асарлари тилидаги стилистик фигуралар ва тропларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ж.Избасқановнинг «Ақ қуслар», «Жаз өткенде», «Мен куткен күн...», «Муҳаббат лирасы», «Муҳаббаттың алмаз кырлары», «Өмирге куштарлык», «Лирика дэптеринен», «Тулпар ҳаққында баллада» шеърлар тўпламларидан олинган 468 шеъри ва 5 та («Өмир ҳаққында», «Сөз қэдири», «Өтемис», «Қамал», «Оқыўшыма хат») поэмаларидан олинган мисоллар лингвопоэтик йўналишда таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг предмети – Ж.Избасқанов асарларининг фонетик-синтактик ва семантик поэтикаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда миллий ва хорижий тилшунос олимларнинг бадиий матннинг эстетик хизмати, лингвопоэтик назарий асослари тўғрисида билдирган фикрлари, баён этиш назарияси ва лингвопоэтикада қўлланилиши бўйича О.С.Ахманова, О.Я.Задорнова, А.А.Липгарт, Ш.Абдиназимовларнинг илмий ишлари назарий ва методологик база вазифасини бажарди. Тадқиқот ишида стилистик ва лингвопоэтик тадқиқот усуллари, баён этиш усули, таққослаш усули, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ж.Избасқанов асарларидаги фонетик тил бирликлари ҳисобланган ассонанс, аллитерация ва паронимларнинг матн жумлаларининг оҳангдорлигини таъминлаши, анкопа, апакопа, синкопа, гаплогия, афарезисларнинг лингвопоэтик функцияларни бажариши далилланган;

шоир асарларидаги фонемаларнинг жойлашиш тартибининг кўп вариантлилиги негизида кўшимча услубий маъноларнинг шаклланиши ва бу орқали логогриф, амфиболия, каламбур сингари тропларнинг юзага келиши аниқланган;

шоир асарларидаги лексик такрорлар – анафора, эпифора, симплокаларнинг кўплик, кучайтириш ва давомийлик маъноларини ифодалаши, эпаналепсис ва эпанстрофалар ёрдамида матн бадиийлик даражасининг кучайиши далилланган;

шоир асарларидаги эмоционал ва миқдорий градацияларнинг бадиий образ ҳосил қилишдаги вазифаси, бадиий тасвир воситаларининг, матний синоним ва антонимларнинг лингвопоэтик хизмати, окказиональ сўзларнинг қўлланилишидаги ўзига хосликлар аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ж.Избасқанов асарларида қўлланилган товуш ҳодисалари, фонетик троплар, стилистик функция бажарувчи синтактик ва пунктуацион бирликлар, бадиий тасвирлаш воситалари – эпитет, ўхшатиш, метафора, метонимия, синекдоха, градация ҳодисаси, синоним ва антонимларнинг лингвопоэтик функциялари, окказиональ сўзлар бўйича тўпланган материаллар, уларни ўрганиш орқали олинган хулосалар ҳозирги қорақалпоқ тилшунослиги, айниқса, лингвопоэтикаси учун муҳим илмий маълумотлар

тақдим этиши, лингвопоэтикага доир махсус тадқиқот олиб боришда манба хизматини бажариши исботланган;

тўпланган материаллар изоҳли луғатлар учун материал ва манба сифатида хизмат қилиши далилланган;

тадқиқот материалларининг қорақалпоқ тилининг лингвопоэтикаси бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришдаги аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида фойдаланилган назарий фикрларнинг асослилиги, илмий адабиётлар билан даврий нашр манбаларидан ҳаволалар олинганлиги, илмий таҳлиллар ва олинган натижаларнинг компонентли таҳлил, баёнлаш ва таққослаш усуллари билан асосланганлиги, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилиши, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ж.Избасқановнинг поэтик маҳорати, унинг асарларининг лингвопоэтик хусусиятларига оид масалаларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш орқали белгиланади. Диссертация натижаларига келажакда бошқа шоирларнинг асарларини ўрганишда мурожаат қилиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ундаги материал ва хулосалардан олий таълим муассасалари талабалари учун қорақалпоқ тилининг стилистикаси бўйича ўқув қўлланмаларини яратишда, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, лингвопоэтика каби фанларни ўқитишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари бадиий асар тилига доир лингвопоэтик тадқиқотлар олиб борадиган тадқиқотчи олимларга ҳам амалий жиҳатдан ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Ж.Избасқанов асарларининг лингвопоэтик таҳлилининг амалга ошириш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

фонетик тил бирликлари – ассонанс, аллитерация ва паронимларнинг матн жумлаларининг оҳангдорлигини таъминлаши, товушнинг фонетик-семантик алоқаларининг акс эттириши, унинг жойлашиш ўрни ва бир-бирига таъсири натижасида ўзгариши бадиий матн мазмунига ҳам таъсир кўрсатиши, шунингдек, уларнинг анкопа, апакопа, синкопа, гаплогия, афарезис, элизия, аустеза каби ҳодисаларни пайдо қилиши, мазкур товуш ўзгаришлари матннинг бадиий-эстетик даражасини оширишига боғлиқ хулосалардан “Қарақалпоқ тили” дарслиги мазмунини тўлдиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2022 йил 18 апрелдаги 65-сонли маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида қорақалпоқ тили фанини ўқитиш жараёнида дарсликлар мазмунини бойитиш имконияти оширилган;

лексик такрорлар – анафора, эпифора, симплокаларнинг кўплик, кучайтириш ва давомийлик сингари кўшимча маъноларни ифодалаш, логогриф, амфиболия, каламбур каби тропларнинг юзага келиш сабаблари, параллелизм, эпаналепсис ва эпанстрофаларнинг матн бадиийлик даражасини орттириши, гапда ундалмаларнинг ўрин тартибининг ўзгариши матн мазмунидаги эмоционалликнинг ортишига сабаб бўлиши, уларнинг услубий бетараф, ижобий, салбий, образли, муболағали, метафорик, фразеологик, киноя маъноларини билдира олиши, риторик сўроқ гапларнинг норозилик, ҳайрон қолиш, орзу қилиш, башорат қилиш, тахмин, иккиланиш, изтироб сингари эмоционал-экспрессив маъноларда қўллана олишига боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида туман ва шаҳар маданият бўлимларида қорақалпоқ шоирларининг адабий меросларида учрайдиган бадиий кўчма маъноли сўзларнинг маъноларини ҳосил қилишда муҳим илмий манба сифатида, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида кўргазмалар ва илмий анжуманлар ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 31 июлдаги 3-03/414-сонли маълумотномаси). Натижада, Ж.Избасқанов асарларидаги бадиий образларнинг баркамол инсон тарбиясидаги роли ва аҳамияти кенг жамоатчиликка етказилиб, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта ёрдам бермоқда;

услубий жиҳатдан ўзига хос бадиий тасвир воситалари, бадиий образ яратишда хизмат қилувчи эмоционал ва миқдорий градациялар, лексик ва нутқий синоним ва антонимларнинг лингвопоэтик хизмати, окказиональ сўзларнинг ифода таъсирчанлигини орттириш мақсадида қўлланилиши билан боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон телевидениесининг «Муносабат» кўрсатуви ва Қорақалпоғистон радиоканалининг «Тилга эътибор – элга эътибор» эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2022 йил 31 марттаги 05-22/181-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 2 та мақола республика, 6 та мақола халқаро конференциялардаги илмий маърузада баён қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий мақола чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бадиий асар тилининг тадқиқ қилиниши ва назарий асослари**» деб номланган бўлиб, “Лингвопоэтиканинг назарий асослари ва унинг ўрганилиши”, “Туркий тиллардаги лингвопоэтик тадқиқотлар” мавзусидаги иккита фаслга ажратилган ҳолда тадқиқ этилган.

“**Лингвопоэтиканинг назарий асослари ва унинг ўрганилиши**” деб номланган дастлабки фасл поэтик тилшунослик бўйича Москва лингвистик гуруҳидан – Ф.Ф.Фортунатов, В.В.Виноградов, А.А.Реформатский, Е.А.Бокарев, В.М.Жирмунский, Г.О.Винокур, Д.Н.Ушаков, Б.В.Томашевский ва бошқа олимларнинг илмий қарашлари баён қилинган тадқиқот ишларига мурожаат қилинган².

Бадиий санъат турлари бир-биридан материалга боғлиқ равишда фарқланади, демак, бадиий адабиёт ўз материали сифатида сўзни ишлатадиган энг мураккаб санъат турларидан биридир. Бадиий адабиёт инсоннинг рухий дунёсини сўз ёрдамида акс эттиради. Сўзни, хусусан, бадиий сўзни ўрганишда маъно ва шакл жиҳатларини бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас. Бу жиҳатлар бир томондан, муаллиф ва китобхоннинг сўз танлаш дидини англатса, иккинчи томондан, бадиий адабиётни бир нечта даражалардан иборат энг мураккаб соҳага айлантиради. Ана шундай талаблар асосида тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири – лингвопоэтика адабиётнинг маъно ва шакл жиҳатларини бирлаштирган бадиий сўз шаклини ўрганадиган соҳа сифатида юзага келган³.

Сўнгги пайтларда рус тилшунослигида бадиий асар тилини лингвопоэтик йўналишда ўрганиш бўйича бир нечта диссертация ишлари ҳимоя қилинган⁴.

² Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1991. – С. 6-7.

³ Климовская Г.И. Лингвопоэтика. – М.: Флинта, 2019. – С. 5.

⁴ Аксенова А.В. Лингвопоэтический анализ стихотворных произведений У.Б.Йейтса: особенности эволюции индивидуально – авторской манеры.: автореф.дисс. ...канд.фил.наук, – М., 2013; Красникова Л.В. Лингвопоэтические особенности стихотворных циклов Т.Мура «Ирландские мелодии» и Г.Байрона «Еврейские мелодии». – автореф.дисс. ...канд.фил.наук, – М., 2016; Карпова Л.С. Лингвопоэтика повествовательных типов в английских сонетах елизаветского периода (на материале произведений Э.Спенсера, С.Дэниела, У.Шекспира). – автореф.дисс. ...канд.фил.наук, – М., 2009; Шмуль И.А. Лингвопоэтическая стратификация художественных текстов и изучение индивидуального авторского стиля: На материале произведений Шекспира, – АКД, – М., 2001; Киртаева А.В. Лингвопоэтика многокомпонентных атрибутивных словосочетаний в английской драме XVI-XVII веков. – АКД, – М., 2001; Небросина Н.П. Синтаксис стихотворной речи как предмет лингвопоэтического исследования; (на материале английской и американской поэзии XVIII-XX вв.) – АДД, – М., 1997; Головина А.С. Полифония

Кейинги вақтларда мазкур йўналишда яратилган илмий ишлар ичида Г.И.Климовскаянинг «Лингвопоэтика» мавзусидаги тадқиқоти эътиборга моликдир⁵. Муаллиф бу илмий ишига «артема» терминини киритади. Артема – (лотинча *ars, artis* - «бадий санъат») адабий асарнинг функционал ва бадий маъноли бирлиги (масалан, қандайдир троп, услубий алмашиш, бадий такрор ва ҳоказо) сифатида қаралади.

Ўзбек тилшунослигида бадий асарнинг лингвостилистик йўналишда тадқиқ қилинишига оид бир қатор илмий ишлар яратилган⁶. Айниқса, сўнгги пайтларда ўзбек тилшунослари Н.Маҳмудов, Б.Йўлдошев, З.Шодиева, Л.Жалолова, Г.Рихсиева, М.Йўлдошевларнинг лингвопоэтикага оид мақолалари ва монографиялари шулар жумласидандир. Хусусан, филология фанлари доктори Н.Маҳмудовнинг «Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси» мавзусидаги мақоласида Ойбек шеърлятида ўхшатиш усулининг қўлланилиши, унинг асарнинг бадий-эстетик таъсирини кучайтиришдаги аҳамияти ўрганилган⁷. Ушбу муаллиф томонидан «А.Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикаси» номли мақола ҳам нашр қилинган⁸. Й.Йўлдошев, З.Шориеваларнинг ««Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари» монографиясида бир асар мисолида унинг лингвопоэтик ўзига хослиги ўрганилган. Л.Жалолова,

слова в художественном тексте: на материале произведения Дж. Джойса «Дублинул». – АКД, – М., 2011; Хлопьянов А.В. Лингвопоэтическое исследование атрибутивных словосочетаний в поэмах А.С.Пушкина. – АКД, – М., 2008; Грек А.Г. Поэтический язык Вячеслава Иванова. – АКД, – М., 2004; Гаппарова Р.Х. Поэтическая онамастика прозы Мухаммета Магдеева, – М., 2000; Пэй Лиминь. Корневой повтор и плеоназм как стилистические приемы в художественных текстах И.А.Бунина. – М., 2012; Патолятов Д.А. Ритм и синтаксис верлибра Игоря Холина, – М., 2020; Луканкина Т.А. Фонетические средства выразительности в художественных текстах начала XXI века. – М., 2019; Плуплиникова Д.М. Поэтика соматизмов в творчестве Беллы Ахмадулиной. – АКД, – М., 2017; Лавошникова Ю.М. Поэтическая метафора Ф.И.Тютчева в сопоставительном аспекте. – М., 2017; Ковалева Т.А. Тавтология и плеоназм в русском языке XXI века: полисистемный аспект. – М., 2017; Ваулина И.А. Фоносемантическая экспрессивность русского слова; лингвистический и психолингвистический аспекты, – М., 2017; Лебедев А.А. Поэтический синтаксис П.А.Вяземского, – М., 2016; Надежкин А.М. Корневой повтор в художественной речи М.И.Цветаевой, – М., 2015; Сычёва Е.Н. Поэтическая фразеология и афористика Ф.И.Тютчева: структурно-семантический аспект, – М., 2014; Драйсава Х.К. Сравнение в поэтическом идиостиле: на материале поэзии С.Есенина и В.Маяковского. – М., 2014; Минакова А.А. Типы и функции повторов в поэтических текстах Евгения Евтушенко. – М., 2012; Ступникова Л.Г. Разговорно-просторечные компоненты в поэзии А.Г.Твардовского: форма, семантика, функции. – М., 2011; Кукуева Г.В. Лингвопоэтическая типология текстов малой прозы: на материале рассказов В.М.Шукшина, – М., 2009; Косихина С.В. Поэтика «стихотворений в прозе» И.Ф.Анненского: лингвостилистический аспект. – М., 2009; Губанов С.А. Эпитет в творчестве М.И.Цветаевой: семантический и структурный аспекты. – М., 2009; Хорошко Е.Ю. Лингвостилистические особенности русского романа. – М., 2009; Партнова С.Ю. Лингвопоэтический аспект оценочных значений в творчестве Игоря Северянина. – М., 2002.

⁵ Климовская Г.И. Лингвопоэтика. – Москва: ФЛИНТА, 2019. – С. 232.

⁶ Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: фил.фан.ном. ...дис.автореф. – Тошкент, 1997; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги мактубларнинг лугавий – маъновий ва услубий хусусиятлари: фил.фан.ном. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2006; Дониёров Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги: Фил.фан.ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Фил.фан.ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

⁷ Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. №6. – Б.48-51

⁸ Маҳмудов Н. А.Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. №4. – Б.34-36.

Г.Рихсиеваларнинг мақолалари бадий асарларни лингвопоэтик талқин қилишга бағишланган⁹.

Ўзбек тилшунос олими, академик Ғ.Абдурахмонов: «Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида» номли мақоласида: «айрим танқидчилар бадий асарларни таҳлил қилганда, асардаги қаҳрамонларни салбий ва ижобий қаҳрамонларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига характеристика бериш билан чекланади. Адабий асар тили, бу тилнинг мазмун билан алоқадорлиги, воқеа ва ҳодисаларни тавсифлашда қандай тил воситаларидан фойдаланилганлиги, муаллифнинг бу борадаги ютуқлари билан камчиликлари эътибордан четда қолади ёки шундай муҳокама давомида асар тили ҳақида унчалик аҳамиятга эга бўлмаган бир-икки оғиз гап айтилади холос» дея таъкидлаган эди¹⁰. Ушбу олимнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда юқорида келтирилган ишларда адабий асар тили таҳлил қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Қорақалпоқ тилшунослигида адабий асар тили, мазкур тил тарихи учун манба сифатида Х.Хамидов, Д.С.Насыров, Ш.Абдиназимов, Ғ.Қарлыбаеваларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилди. Бадий асар тилининг стилистик хусусиятларига Е.Бердимуратов, А.Бекбергенов, Е.Алланазаров, Б.Юсупова, Ғ.Алламбергеноваларнинг тадқиқот ишларида муурожаат этилган¹¹. Аммо лингвопоэтика соҳасида ҳали ечимини кутаётган масалалар жуда кўп.

Бадий асар матнини лингвопоэтик таҳлил қилиш уни янги босқичга кўтаради, бунда матн бир бутун ва бетакрор лисоний бадий ижод сифатида тадқиқ қилинади. Лингвопоэтика бадий матнда маънонинг қандай лисоний воситалар ва усуллар орқали юзага келиши ва ўқувчига эмоционал-эстетик таъсир кўрсатишини ўрганади. Аммо А.А.Потебня, Л.В.Щерба, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский ва бошқа олимлар ўз ишларида бу икки ёндашувни – бадий асар тилини тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилишни моҳирлик билан бирлаштира олганини кўради. Л.В.Щерба: «Бадий асарни таҳлил қилишда унинг ғоявий мазмунини изоҳлаш етарли эмас, адабий асарнинг бадий жиҳатини баҳолаш лозим. Матнни лингвистик таҳлил қилмасдан, тилнинг бадий тасвир воситалари ёрдамида намоён қилинган нозик маънони тушунмасдан буни амалга оширишнинг иложи йўқ», – деб ёзади¹².

Бадий асар тилини ўрганиш ва тадқиқ қилишда хорижий олимлар орасида икки йўналишни кўриш мумкин: Р.О.Якобсон, А.Греймас, Р.Барт, Ю.М.Лотманнинг илмий ишларида асосий ўринни структуравий-семантик муносабат эгаллайдиган бўлса, В.В.Виноградов, Ғ.О.Винокур, Л.В.Щерба,

⁹ Yoldoshev B., Shodiyeva Z. "Ufq" trilogiyasining lingvopoetik tahlili masalalari. – Samarqand: SamDU, 2006; Жалолова Л. Абдулла Қодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №4. – Б. 33-35; Рихсиева Г. Нисбат шаклларидаги лингвопоэтик тадқиқотга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №4, – Б. 33-35

¹⁰ Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент: ФАН, 1966. – Б.4-11

¹¹ Абдиназимов Ш. Бердақ шығармаларының тили. – Ташкент: ФАН, 2006. – Б. 19.

¹² Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. – С. 186.

Л.Б.Томашевский, Р.А.Будаговларнинг меҳнатларида филологик ёндашув биринчи ўринда туради¹³.

Иккинчи боб «**Ж.Избасқанов асарларининг фонетик-синтактик поэтикаси**» деб номланган бўлиб, «Шоир асарларининг фонетик поэтикаси» ва «Шоир асарларининг синтактик-пунктуацион поэтикаси» деб аталган икки фаслдан иборат.

Тилнинг моддий томонини товушлар ташкил қилади, демак, тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари ва иборалар товушлар орқали ҳосил қилинади. Нутқдаги товуш воситалари айрим ҳолларда услубий функцияларни ҳам бажаради. Одатда, бадиий, айниқса, лирик асарларда товушлар, товушлардаги урғу, интонация – нутқ таъсирчанлигини оширувчи воситалар ҳисобланади. Олимлар «сўзнинг экспрессив, таъсирчанлик даражаси билан, унинг товуш билан боғлиқ шаклини англаувчи фонетик маъно ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини» таъкидлайди¹⁴.

Рус тилшунослигида Л.В.Щерба, Р.И.Аванесов, М.В.Панов, Л.Р.Зиндер ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида фоностилистикага оид қатор илмий қарашлар келтирилган. Қорақалпоқ тилшунослигида мазкур мавзу бўйича махсус тадқиқотлар жуда оз. Фақат филология фанлари доктори Ш.Абдиназимовнинг «Лингвопоэтика», Б.Юсупованинг «Фоностилистика» («Ш.Сейтовнинг «Халқабод» романи тили фразеологиясининг фоностилистик таҳлили») каби ишларини кўрсатиш мумкин.¹⁵ Адабиётшунос олимлардан Қ.Жаримбетов, Қ.Оразимбетов, Б.Генжемуратов, А.Досимбетоваларнинг илмий тадқиқотларида аллитерация, ассонанс, диссонанс каби ҳодисалар адабиёт назариясига боғлиқ бошқа масалалар билан биргаликда таҳлил этилган¹⁶.

Фоностилистик воситалар оғзаки нутқда тўлиқроқ намоён бўлади, ёзма нутқда эса унинг фақат баъзи белгиларини кўриш мумкин. Аммо, шундай бўлса ҳам, Ж.Избасқанов асарларида фонетик воситаларнинг стилистик вазифасини бажариб, лингвопоэтик жиҳатдан матн таъсирчанлигини ошириши ўзига хос усуллар орқали берилган.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли илк параграфи «**Аллитерация, ассонанс**» деб номланган. Аллитерация бу – ундош товушларнинг услубий мақсадда такрорланишидир, бунда товушлар такрорланиши вертикал ва горизонтал равишда келиб, фонетик-семантик алоқалар ҳосил бўлишида чуқур маънога эга бўлади¹⁷.

¹³ Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М.: КомКнига, 2006. – С. 168.

¹⁴ Ваулина И.А. Фоносемантическая экспрессивность русского слова: лингвистический и психолингвистический аспекты: автореф.дисс. ...канд.фил.наук. – Екатеринбург, 2017. – С. 4.

¹⁵ Абдиназимов Ш. Лингвопоэтика. –Ташкент, 2020; Юсупова Б. Фоностилистика. – Ташкент, 2021.

¹⁶ Жаримбетов Қ. XIX асир Қарақалпақ лирикасиның жанрлық қәсийетлери хәм раўажланьў тарийхы. –Нөкис: Билим, 2004. – Б. 188. Әдебияттаныўдан сабақлар. – Нөкис. Қарақалпақстан, 2012; Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. I, II том. – Нөкис: Билим, 2018. Генжумаратов Б. Әжинияз лирикасиның поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997. – Б. 98. Dosimbetova A. Ádebiyatta kórkemlew quralları. – Nókis: Qaraqalpaqstan, 2017. – Б. 50.

¹⁷ Насыров Д., Бекбергенов А., Жаримбетов А. Русша-қарақалпақша лингвистикалық терминлер сөзлиги. – Нөкис, 1979.

Ж.Избасқанов асарларида аллитерация тез-тез учрайди. Улар шоирнинг кўшиқларида бир хил товушларнинг шеър сатрларининг дастлабки уч қаторида, дастлабки икки қаторида, кейинги икки қаторида, кейинги уч қаторида, шунингдек, кўшиқ қаторларининг барчасида такрорланиши ва дастлабки икки қатори ва кейинги икки қаторидаги товушларнинг бир хил келиши шаклида берилган. Шу билан бирга, шоир асарларида бир хил ундош товушлар шеър мисраларида тез-тез ишлатилиб, ички қофияда горизонтал равишда уйғун келиш ҳолатлари учрайди¹⁸. Масалан:

Қырық күн, қырық түн ғарға-қузғынлар,
Қара тумсық небир бузғынлар,
Қырық гез қуйы үстинде ушып,
Мол жемтиктен ойынға түсип,
Қырық күн, қырық түн тойлады олар.

Ушбу сатрларда «к», «ғ» - бир хил йўғон ундош товушлар тез-тез ишлатилиб, уйғунлашиб келган.

Ж.Избасқановнинг шеърий мисраларида қорақалпоқ тилининг товуш таркибида бадийлик, ўзгача таъсир қолдириш, кучли экспрессия яратиш мақсадида бир хил ёки бир-бири билан айтилиши, эшитилиши бўйича ўхшаш ёки мос бўлган ундош товушларнинг қатор келган сўзларнинг бошида такрор қўлланилиши – ассонанс ҳодисасидан бадий тасвир воситаси сифатида маҳорат билан фойдаланилган. Масалан:

Ах, аўылдың алтын ақшамлары,
Ашығымдай аңсап сағындым

Ушбу сатрлардаги «ах», «аўылдың», «алтын», «ақшамлары», «ашығымдай», «аңсап» сўзларида «а» унли товуши қатор келган сўзларнинг бошида ишлатилган. Бу орқали шоир фикрни бадий турда етказишга, сўзларнинг таъсир кучини оширишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.

Иккинчи бобнинг биринчи фасл иккинчи параграфи «**Товушларнинг комбинатор-позицион ўзгариши ва фонетик троплар**» деб номланган. Сўзлар товушлардан иборат бўлади, товушлар эса ўз навбатида сўз маъносига таъсир ўтказади. Сўз таркибидаги бир товуш ўзгариши унинг буткул маъносига таъсир кўрсатади. Сўз таркибидаги товушлар маъноси, уларнинг нутқий аҳамияти, кўшимча маъно ҳосил қилиши, мисралар тенглиги билан шеър вазнига таъсирини лингвопоэтик *фоносемантика* соҳаси ўрганади. Бу фаслда Ж.Избасқанов асарларининг фоносемантик хусусиятлари аниқланган.

Нутқда товушлар ўзгариши икки ҳолатга боғлиқ ҳолда юз беради:

- 1) нутқ товушларининг позициян ўзгаришлари;
- 2) нутқ жараёнида товушларнинг комбинацион ўзгаришлари.

Товушларнинг позициян ўзгаришида – нутқдаги товушлар жойлашган позициясига (сўз боши, сўз ўртаси, сўз охири) боғлиқ ҳолатда ўзгаришга учрайди. Бундай ўзгаришлар шоир Ж.Избасқанов шеърлятида ҳам қўлланилган. Масалан:

¹⁸ Генжемуратов Б. Ажинияз лирикасиның поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997.

Сап ышқыға төзим дәркар,
Ал, ашықтың қарары йоқ.

Бу сатрларда позицион жиҳатдан «жоқ» сўзининг бошидаги «ж» товуши «й» товуши билан алмашган. Бу ҳолат стилистик талаб асосида юз бериб, шоир ошиқнинг ички ҳисларини янада кучайтириб бериш учун мазкур усулдан фойдаланган.

Шунингдек, шоир асарларида анкопа, апокопа, синкопа, гаплогология, афарезис, элизия, аустеза каби товуш ўзгаришларини ҳам учратиш мумкин.

Анкопа – сўзнинг анлаут позициясидаги товушининг туширилиб қўлланилиши¹⁹.

Сырдың арғы жағында
Сулыў көрдим бир *әсем*.

Бу қаторларда «хәсем» сўзининг анлаут товуши «х» туширилган.

Апокопа – сўзнинг ауслаут позициясидаги товушнинг ёки товушларнинг тушуб қолиши сабабли сўзнинг қисқартилиб қўлланилиши²⁰.

– Жийенбай шайыр, *Ташкенге*
Паҳ қыдырдың, ал, бардың!?!...

Бу қаторларда «Ташкент» сўзининг ауслаут товуши «т» туширилган.

Синкопа – сўзнинг инлаут позициясидаги товуш ёки бўғиннинг тушурилиб қўлланилиши²¹.

Бийғам өстим нәр алып,
Бийхабар *ем* олардан.

Бу қаторларда «едим» сўзининг инлаут товушлари «ди» туширилган.

Матндаги фонемаларнинг (ҳарфларнинг) жойлашишига боғлиқ бўлган ҳар хил фонетик тасвирлаш усуллари, яъни бадий безаклар – *фонетик троплар* ҳисобланади²². Логогриф, амфиболия, каламбур – мана булар фонетик троплардир.

Логогриф – товушларнинг такрорланиши билан боғлиқ бадий такрорнинг бир тури, бунда товушлар ўз ҳолича такрорланмасдан аста-секин сон жиҳатдан камайиб такрорланади²³.

«Пыр-р» еткен торы ала *ғаз екен жоқ*.

Кеўилге унар бенде *аз екен – жоқ*.

Бу қаторларда кўриниб турганидек, сўзлар такрори мавжуд, лекин иккинчи қатордаги такрор биринчи қаторга солиштирганда бир товушга камайган. Бу ҳам ўз навбатида қаторларнинг бадийлигини таъминлаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли биринчи параграфи «**Бадий такрор ва унинг турларининг қўлланилиши**» деб номланган. Бадий такрор – бадий тил воситаси сифатида бадий матн, бадий нутқни шакллантиради. Шундай экан, бадий такрор – лингвопоэтика соҳасида ўрганиладиган объектлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, бадий такрор – товушлар,

¹⁹ Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2004. – Б. 95.

²⁰ Насыров Д.С., Бекбергенов А., Жаримбетов А. Русша-қарақалпақша лингвистикалық терминлер сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. 27-б.

²¹ Ушбу манба. – 184-б.

²² Флоря А.В. Русская стилистика. – Москва: Флинта. 2013. – С. 201

²³ Ушбу манба. – С. 207.

сўзлар, сўз бирикмалари ёки гапларнинг бир нутқ бирлиги ичида ёки аралаш нутқ бирликлари оралиғида такрорланиб келиши орқали фикрнинг таъсирчанлигини оширадиган стилистик фигуралардан биридир.

Бадиий такрор тилнинг турли соҳаларида унумли қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, бадиий такрорни бир неча турларга ажратиш мумкин:

1) *Фонетик такрор* (бир хил ундош ёки унлиларнинг такрор келиши);

2) *Лексик такрор* (бир хил сўзлар ва лексик birlikларнинг такрор келиши);

3) *Морфологик такрор* (бир хил сўз туркумлари, морфемалар ёки гап бўлақларининг такрор келиши);

4) *Синтактик такрор* (бир хил синтактик birlikларнинг такрор келиши)²⁴.

Лексик такрор анафора, эпифора, симплока ҳодисалари билан, морфологик такрор сўз туркумлари такрор келишининг ҳар хил услубий маънолар ҳосил қилиши, синтактик такрор эса параллелизм, эпаналепсис, эпанстрофа каби ҳодисалар билан боғлиқдир.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли иккинчи параграфи «**Ундалмаларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Ж.Избасқанов ижодига мансуб шеърларда бошқа троплар билан биргаликда синтактик конструкциялар, шу жумладан, ундалмалар моҳирлик билан қўлланилган.

Мазкур параграфда шоир асарларидаги ундалмаларнинг турфа услубий бўёқларда қўлланилганлиги аниқланиб, улар ўз ичида нейтрал ундалмалар, ижобий мазмундаги ундалмалар, салбий мазмундаги ундалмалар, образли ундалмалар, маънони кучайтирувчи ундалмалар, градация билан боғлиқ ундалмалар, фразеологизм билан ифодаланган ундалмалар, метафора воситасида берилган ундалмалар, киноя маъносини акс эттирувчи ундалмалар, перифраза билан боғлиқ ундалмалар, қочириқ маъносини акс эттирувчи ундалмалар сифатида қўлланилганлиги мисоллар билан асосланган. Масалан, градация билан боғлиқ ундалмалар маъно жиҳатдан яқин ёки синоним сўзлардан билдирилиб, кучайтилган маънони пайдо қилади:

Балам, баўыр етим, қуўат, жигерим,

Жерди қайра-қайра басып жүр едиң...

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли учинчи параграфи «**Риторик сўроқ гапларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Шоир ўз асарларида риторик сўроқ гаплардан ҳам маҳорат билан, унумли фойдаланган. Адиб асарларидаги риторик сўроқ гаплар лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари – шодлик, ғамгинлик, муайян вазиятга нисбатан норозилик, ачиниш, ҳайратланиш каби муносабатларини тасвирлашда ёрдам берган. Одатда, риторик сўроқ гаплар тасдиқлаш, билдириб қўйиш (огоҳ қилиш) маъноларини англатади, шунинг учун ҳам риторик сўроқ гаплар адабий тилда эмоционал маъно ифодалашда стилистик восита вазифасини бажаради.

²⁴ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

Шоир шеърлятидаги риторик сўроқ гаплар норозилик, хайратланиш, армон, ният қилиш, иккиланиш, қийналиш, тахмин қилиш, мўлжаллаш, хўрсиниш, таърифлаш, насихат қилиш ва сингари турфа эмоционал-экспрессив маъноларда қўлланилган. Масалан:

Қәне жаңбыр қандырса еди, шөллер алабын?

Бул дуньяның ғамсыз сәнеми, қалғы, қарағым.

Бу жумлаларда риторик сўроқ гап армон, ният қилиш маъносини билдирган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли тўртинчи параграфи «**Чизикчаларнинг (тире) услубий қўлланилиши**» деб номланган.

Жийенбай Избасқанов асарларида чизикча ишлатилишига алоҳида эътибор қаратилган. Чизикчанинг интонация жиҳатдан пунктуацион талаблар асосида, грамматик қоидаларга бўйсунган ҳолда қўйилиши муаллиф билдирмоқчи бўлган фикрга қўшимча маъно бера олган. Дарҳақиқат, шоир асарларида қўлланилган чизикча тил бирликлари орасида қарама-қаршилиқ, бир вақтlilik, мос келиш, сабаб-оқибат, изоҳлаш, таққослаш, ишора қилиш, шартлик маъноларини ҳосил қилиш ҳолатлари кузатилади. Баъзи шеърин сатрлардаги чизикча тўғридан-тўғри антоним – антитеза маъносини ҳосил қилиш учун ишлатилганлиги аниқланган²⁵. Масалан:

Пулы бардың – ақылы жоқ,

Ақылы бардың – жақыны жоқ.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли бешинчи параграфи «**Қўштирноқларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Тиниш белгилари фақат оддий пунктуацион мақсадда эмас, балки образ ясашда ҳам кенг ишлатилиб келинмоқда. Айниқса, сўнгги даврлардаги қорақалпоқ шеърлятида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини тиниш белгилари орқали намоён қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Шоир Жийенбай Избасқанов қаламига мансуб шеърларда қўштирноқ ичига олинган отлар ўз маъносини эмас, тескари маънони, шунингдек метонимия ва синекдохага мансуб маъноларни, феъллар эса образли, жонли, қиёслаш маъноларини, тақлид сўзлар таъсирчанлик, эътибор қаратиш, фразеологизмлар эса образли таъсирчанликни билдириши мисоллар орқали исботланган.

Сонда да бирин-бири «арық» десер,

Курортта дем алып қайт барып десер.

Ал, бизге буннан артық бейиш бар ма?

Жолдасларым: «дем алсақ қалып», – десер.

Бу қаторда қўштирноқ ичидаги сўз одамнинг тескари сифатини ифодалаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли олтинчи параграфи «**Кўп нуқтанинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Ушбу параграфда кўп нуқтанинг қўйилиши айтилмоқчи бўлган фикрга қўшимча эмоционал-экспрессив маънони юклаши, шоир Ж.Избасқанов шеърларида тиниш белгиларининг

²⁵ Бекбергенов А. Қарақалпақ тилининг стилистикасы. – Нөкис, 1990. – Б. 85.

семантик ва эмоционал маънолари сезиларли даражада ошганлиги таҳлил этилган.

Шоир сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ҳолатларни, кучли эмоциясини жимлик ёрдамида турли услубий бўёқларда тасвирлай олган. Масалан:

Бул бир өзге элем...жупар ийиси! –

Аңқып турады...

Шоир кўп нуқта ёрдамида бир сўзни бошқа сўзлардан ажратиб, ушбу ажратилган сўзга эътибор қаратишга, бу сўз орқали ўзи аниқлатмоқчи бўлган кечинмаларни аниқлашга чорлайди. Масалан:

Ийт етектен ... бассынганда

Жүрек-баўырым шоқ мениң.

Шоир ўз асарларида кўп нуқтадан бир фикрга иккинчи фикрни улаш мақсадида ҳам самарали фойдаланган.

Ҳәсел ләблериңе аўып аңсарым,

Сыйлап жиберер ем пүткил Жер шарын!...

Тоқта! ... Соң нетемен даўысым жаңғырып,

Көкте қалсам егер қаңғырып?

Учинчи боб «**Ж. Избасқанов асарларининг поэтик семантикаси**» деб номланган. Поэтик тилнинг оғзаки тилдан фарқи – унда барча тил бирликлари эстетик жиҳатдан тизимли шаклга эга бўлади, маълум бир бадий маъно вазифасини бажариш учун бирлашади. Бадий тил бирликларини юқори даражада долзарблаштиради, сўзлари маъно жиҳатдан бой бўлади, контекстнинг барча фактларини ўз ичига олади, адабий тилда қўлланиладиган тил бирликлари ҳам унинг таркибига киради.

Учинчи бобнинг биринчи фасли «**Ўхшатишларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Ушбу бўлимда шоир Ж.Избасқанов асарларида ўхшатишларнинг қўлланилиши масаласи тадқиқ этилган бўлиб, ижодкор қаламига мансуб асарлардаги ўхшатишларнинг шаклий хусусиятлари, уларнинг ясалиши, лексик сўз туркумлари билан грамматик жиҳатдан алоқадорлиги таҳлил қилинган. Дарҳақиқат, шоир шеърларида ўхшатиш (қиёслаш)дан маҳорат билан фойдаланган ҳолда, уларнинг бадийлик даражасини янада орттирган. Шунинг учун ҳам шоир қиёслашларида шаклий, лексик-грамматик ва лексик-семантик хусусиятлар яққол сезилиб туради.

Ж.Избасқанов ўхшатишлардан, айниқса, «пейзаж (табиат) билан боғлиқ қиёслаш»лардан самарали фойдалана олган. Масалан:

Эй, Жийенбай, мына қарлы қыстан соң,

Қәне енди, *ышқ паслындай – март* келсе?!...

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Метафораларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Ушбу фаслда шоир шеърларидаги метафораларнинг янгилиги, бадийлик даражаси ҳақида сўз юритилган. Шоир метафораларида образлиқ, бевосита яқин муносабат, оддий халқ тили яққол сезилиб туради. Масалан:

Сен – гүзги қуяшым! Парла бәлентте!...

Бир ҳайран ҳалатқа дус болғанымда.

Сөйтип, кәпелимде қус болғанымда,
Туўры тартар едим өзиң тәрәпке.

Шоир шеърларидаги метафоралар «икки предмет ёки ҳодисанинг маълум бир ўхшашлик томонига асосланган ҳолда, унинг бирига тегишли белгини кўчма маънода иккинчи предмет билан боғлаб етказиш²⁶» учун қўлланилади.

Учинчи бобнинг учинчи фасли «**Метонимияларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Мазкур фаслда бадий асарнинг ўзига хос бадий-эстетик савияси билан бошқа адабий жанрлардан ажралиб туришида роли катта бўлган метонимияларнинг бадий функцияси таҳлил қилинган. Зотан, метонимия нутқнинг қисқалигини таъминлаш билан бирга, унга таъсирчанлик хусусиятини ҳам беради²⁷. Ушбу маъно кўчиш усулининг Ж.Избасқанов асарларида қуйидаги турлари учрайди:

1. Бир нарсанинг ичидаги предметнинг маъноси шу нарсанинг *ўзига кўчиши*.

Несийбе ме? *Бир табагы*

Бери қарай сүйисти.

2. Жой номи унда яшовчи одамлар ўрнида қўлланилиши:

Аўыл-аймақ, қаниша қалалар,

Бағынғанды бәри барабар.

3. Муаллифнинг номи унинг асари ўрнида қўлланилиши, ёки асар номи ўша муаллифнинг ўзини эслатиши.

Сенде өсти бәрибир,

«Бозатаўлы нәзәлим»!...

4. Муайян предметнинг унга боғлиқ бўлган бошқа нарса билан алмаштирилиши.

Узақ күн *телефон* тыным бермейди.

Шырлап тынышыңды алар, япырмай.

5. Маълум бир нарсанинг хусусий атамаси, унинг оммавий номи шаклида берилиши.

«Қаратаў» дан биреўин

Сатып алды Бахтияр.

6. Предмет ёки ҳодиса, инсон хусусиятига боғлиқ ясалган²⁸. Масалан:

Бийгамга дүньяң бир пул,

Тек *дәртлиң* аңлар екен.

Шоир шеърлятида метонимиянинг ҳар хил усулларда ҳосил қилинганини кўришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида шоирнинг тил бойлиги қанчалик юқори даражада эканлигини намоён этади.

Учинчи бобнинг тўртинчи фасли «**Синекдохаларнинг услубий қўлланилиши**» деб номланган. Ушбу фаслда Ж.Избасқанов асарларида синекдоха қўлланилишининг ўзига хослиги ўрганилган. Синекдохада,

²⁶ Бекбергенов А. Қарақалпақ тили стилистикасы. – Нөкис, 1990.

²⁷ Солганик Г.Я. Стилистика русского языка. – Москва: Флинта, 2016. – С. 62

²⁸ Абдиназимов Ш. Лингвопоэтика. – Тошкент, 2020. – Б. 81.

